



TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI



Бойсун – ҳайратлар бешиги

Абдуқодир Тошқулов, Термиз давлат университети ректори,
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Бойсун нафақат табиати, балки қадим тарихи, бой анъаналари, кадриятлари билан ҳам гўзал ва бетакрор бир гўша. Хўш, фусункор Бойсуннинг Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлардан фарқ қиладиган жиҳатлари - феномени нималардан иборат?

Бойсун – бир қараганда оддий бир ҳудуд, аммо у табиат, тарих ва маданиятлар қоришган ва уйғунлашган ноёб “тирик лаборатория” ҳамда очик

осмон остидаги музейдир. Жанубий Ўзбекистонда жойлашган бу манзил нафақат манзаралари, балки ўзига хос ландшафти, қатор ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Бойсун - табиий феномен, яъни камдан-кам учрайдиган, ғайриоддий ҳодиса. У тоғлар бағрида, иқлим ва “ёпиқ макон” таъсирида минг йилларки жилваланган манзил.



Бойсун тумани худуди Ҳисор тоғ тизмалари этакларида жойлашган ва географик жиҳатдан изоляцияланган. Шу сабабки, иқлими ўзига хос - қиш совуқроқ, ёз эса тоғ шамоллари туфайли бироз юмшоқ ва салқин.

Бу ерда биохилма-хиллик анчагина юқори, кўплаб эндемик ўсимлик ва ҳайвон турлари сақланган. Қадимдан ҳозиргача табиий ландшафт деярли ўзгармаган (индустриал таъсир кам). Бу ҳолат “экологик консервация эффекти” деб қаралади ва табиат ўзининг кўринишини анчагина сақлаб қолган.



Бойсуннинг археологик ва этнографик феномени.

Инсоният тарихининг энг қадим манзилларидан бири Тешиктош. Гўёки ватан тарихи шу ердан бошланади. Бохтар ва Сўғд чегара девори - Узундара ва Дарбанд девори шу ерда.

Буюк Ипак йўлининг муҳим тармоқларидан бири Бойсун орқали ҳам ўтган.

Шундай бўлсада, бу манзилда қоришқик маданиятларни учратмайсиз. Соф анъаналар кўп учрайди. Бу ерда қадимги қишлоқлар ва манзилгоҳлар ҳануз ўз сиру-синоатини сақлаб келмоқда. Бу ерда урф - одатлар музейда эмас, ҳаётда акс этиб туради. Анъанавий турмуш тарзи деярли узлуксиз давом этаётир.

Шусабадан нуфузли UNESCO Бойсун маданий мухитини “инсониятнинг номодий мероси” сифатида эътироф этган.

“Тирик маданият” феномени.

Бойсунда нафақат маданият ва тарих, балки бугун ҳам яшайди, доруломон кунлардан шодланади, ислоҳотлардан завқланади.



Бойсун баҳори - халқ анъаналари, мусика, рақсларнинг жонли намоиши. Қадимий кўшиқлар, дostonлар ва маросимлар ҳануз айнан шу ерда жонли ва амалда. Миллий кийимлар ва хунармандчилик сирлари сақланган. Буни эса олимлар “living culture” - яъни “тирик маданият феномени” деб аташади.

Геосиёсий ва маданий кўприк.

Бойсун - Марказий ва Жанубий Осиё маданиятлари кесишган бир нуқта. Маҳаллий ва турли цивилизациялар таъсирида шаклланган манзил. Шу сабаб у илм аҳли орасида “маданий контакт зонаси” сифатида қаралади.

Илмий нуқтаи назардан бетакрор.

Бойсунни тадқиқ қилиш орқали ҳудудда қадимги аҳолининг табиатга мослашув жараёнлари кечганлигини кўриш-қузатиш мумкин. Қишлоқ маданиятининг узлуксиз эволюцияси давом этган. Бу ерда ҳали узок вақт даомида “Археология + этнография + экология” интеграцияси каби масалаларни ўрганиш мумкин.

Бойсун адабий муҳити.

Ўзбек миллий адабиётини бойитган, фольклор ва ёзма адабиётни уйғунлаштирган, адабий мактаб сифатида шаклланган. Бойсун адабий муҳити - бу шунчаки ҳудудий адабиёт эмас, балки табиат + тарих + фольклор + инсон руҳияти уйғунлигида шаклланган ноёб адабий мактабдир. Бойсун адабий муҳитидаги инсон ва табиат уйғунлиги, қишлоқ ҳаёти ва оддий одамлар тақдири, миллий қадриятлар ва анъаналар, руҳий изланиш ва фалсафий фикрлар хос бўлса, услуби эса халқона тил, содда, лекин таъсирчан баён ва реалистик тасвирлар устуворлик қилади.

Хулоса қилиш мумкинки, Бойсуннинг феномени бу - табиий изоляция, тарихий узлуксизлик, тирик маданият, географик ўзига хослик демакдир. Яъни, тоғли ва фусункор Бойсун оддий бир ҳудуд эмас, балки ўтмиш ва бугун бир вақтда яшайдиган, намоён бўладиган, кўз ўнгингизда ифодаланадиган ноёб бир макондир.

